



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (12.065)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Қўшма корхоналарда

Тадбиркорларимизнинг изланиш ва савий-ҳаракатлари билан илғор технологияларни самарали қўллаган ҳолда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турлари ортиб, улар ички бозорда харидор талабини тўла қондирмоқда.

Бу борада хорижлик шेरликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Man Davr Polimer" Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонаси шундай жамоалар қаторига киради. Массулияти чекланган жамияти шаклидаги мазкур қўшма корхонада ҳозирда меҳнат

БУЮРТМАЧИ ТАЛАБИ АСОСИДА

қилаётган 50 нафардан зиёд тажрибали мутахассиснинг маҳоратлари қўл келиб, илғор технологиялар асосида тайёрланаётган полипропилен қоплардан озиқ-овқат, кимё саноати ҳамда бунёдкорликда маҳсулотларни қадоқлаш ва сақлашда самарали фойдаланилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда ўзининг доимий буюртмачиларига эга бўлган корхона жамоаси халқаро андозаларга мос маҳсулотларини бир қанча хориж давлатларига ҳам экспорт қилмоқда. Латвия, Туркия, Индонезия ва бошқа қатор давлатлардаги харидор-

лардан тушаётган буюртмалар сифатли бажарилиб, экспорт ҳажмини йилдан йилга оширишга эришаётган тадбиркорлар ташқи бозорни муттасил ўрганиб боришмоқда. Энг асосийси эса корхона маҳсулотлари гигиеник ва сифат сертификати эга бўлиб, буюртмачи талаби

асосида полипропилен қопларнинг турли ҳажмдагиси ишлаб чиқарилмоқда.
Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар



XXI аср сағоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида калава-ип тайёрлашга ихтисослаштирилган «Гулистон Текстиль Файз-барака» масулияти чекланган жамияти иш бошлади. 90 киши меҳнат қилаётган мазкур корхона жамоаси томонидан ҳозир кунига 5 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда.
- Навоий вилоятидаги «NAVOI FSK» масулияти чекланган жамиятида йилига 900 миллион сўмлик темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш қуввати эга янги технологик линия фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳа банкнинг 954,8 минг АҚШ долларлик кредити эвазига миллионлаштирилган бўлиб, замонавий корхонада 20 та қўшимча иш ўрни яратилди.
- Касби туманидаги «Агротехсервис» машина-трактор парки масулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатларини баҳорги экиш мавсумига тайёрлашга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.
- Тадбиркор Фарруҳбек Эшжонов савий-ҳаракати билан Янгиерк туманидаги Остона қишлоғида замонавий маҳалла гузари қурилиб, ишга туширилди. Янги иш ўринлари яратилган мазкур мажмуада маросимлар зали, ошхона, нововиҳона, ғўзаллик саломи каби бир қанча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.
- Ховос туманида янги болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда қишлоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Ювениш, дам олиш хоналари замон талаблари асосида жиҳозланган. Шахмат, шашка, гандбол, бадий гимнастика, стол теннис, кураш каби ўндан зиёд спорт секцияларида бир вақтнинг ўзига 500 нафардан ортиқ йигит-қиз шуғулланиш имкониятига эга.
- Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Тахиятош шаҳридаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Шункорлар» ҳарбий спорт мусобақалари ўтказилди.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Илгари маълум қилинганидек, жорий йилнинг 29 январь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 7-Ширин (Учтепа тумани), 20-Толариқ (Миробод тумани) ва 50-Минор (Юнусобод тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, шаҳар сайлов комиссиясининг ушбу сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тузилган тегишли округ сайлов комиссиялари ўз ваколатига киришди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳар кенгашиларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларга сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21,44-моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб куйидаги тартибда қайд этилди: Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.

Шаҳар комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар кенгашилари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

Кириб келган янги йилнинг 2 январиди Ўзбекистон ва Хитой дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонлади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

Шунинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан Шанхай Ижтимоий Фанлар академиясининг Россияни ўрганиш Маркази ҳамкорлигида уюштирилган «давра суҳбати»да Шанхай халқаро тадқиқотлар академиясининг етакчи таҳлилчилари, Хорижий тиллар университети, Молия ва иқтисодиёт университети, Халқаро ва минтақавий тадқиқотлар мактаби, Шарқий Хитой педагогика университети хузуридаги Россияни ўрганиш маркази, Фудан университети хузуридаги иқтисодиёт мактаби, Шанхай Халқа-

ро тадқиқотлар университети хузуридаги Ташқи ишлар ва дипломатия мактабининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

XXР собиқ ташқи ишлар вазири, ШХТ нинг биринчи бош котиби бўлиб ишлаган, Ўзбекистон Республикаси «Дўстлик» ордени соҳиби Чжан Дэгун раҳбарлигидаги Хитой Халқаро тадқиқотлар жамғармаси хузуридаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар мулоқотга кўмаклашиш Маркази ушбу тадбир ташкилотчиларидан бири бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

ИМТИЁЗЛАР ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Мазкур қарорда нашриётлар учун ҳам қатор имтиёз ва преференциялар белгиланган. Жумладан, матбаа корхоналари беш йил муддатга бир қатор солиқ, мажбурий ажратмалар ва божхона тўловларини тўлашдан озод этилди, уларнинг айрим солиқ тўловлари ва мажбурий ажратмалар миқдори сезиларли равишда камайтирилди.

Мамлакатимизда нашриётлар ва матбаа корхоналари ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантирилмоқда. Илгари кўрғошида ҳарф терибли, китоблар ва бошқа

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригида давлат томонидан соҳа фаолиятини янада ривожлантириш учун янги имтиёз ва преференциялар бериш лозимлиги алоҳида таъкидланганди.

босма маҳсулотлар матрицалари ҳамда расмлар клишеларини тайёрлаш учун ҳафтада вақт кетарди. Бу ускуналар экологик жиҳатдан соғлиққа зарарли эди. Бугун эса бу жараёнлар халқаро стандартларга мос янги технологиялар асосида бажаришмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нашриётлар 9 тадан 104

тага етди. Агар ўн йил олдин мамлакатимизда 5 нодавлат нашриёт фаолият юритган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 57 тани ташкил этади. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарори билан 2012 йилдан бу тузилмаларга солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар берилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида 6-7 январь кунлари

«Ёшлар — юртимиз келажиги» шиори остида ўқувчи-ёшлар иштирокида семинар-тренинг машғулоти ўтказилади.

✓ **ТОШКЕНТ** темир йўл транспорт муҳандислари институти

ташкил этилганининг 80 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Киночилар уйи»да Республика Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг

20 йиллигига бағишлаб ўтказилган фильмлар тақдимотида маданият ва санъат номонадалари, таниқли режиссёр ва сценарий-навислар, кинотанқидчи ҳамда журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

- АҚШ Президенти Барак Обама мамлакат армиясининг қисқартирилишини маълум қилди.
- Чили жанубидаги кучли ўрмон ёнғинларини ўчириш чоғида 6 нафар ўт ўчирувчи ҳалок бўлди, бир нечаси эса бедарак йўқолди.
- Кучли сув тошқинлари натижасида Бразилияда уйларини сув босган кишиларнинг 4 мингдан ортиғи хавфсиз жойларга кўчирилди.
- Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳридаги Индира Ганди номидаги халқаро аэропортида ёнғин содир бўлди. Оловни ўчиришга 20 дан зиёд ўт ўчириш бўлимлари жалб этилиб, деярли уч соатлик уринишдан сўнг офат бартараф этилди.
- Американинг нефть ва газ қазиб олувчи «Шеврон» корпорацияси Амазонка чакалакзорларидаги экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатгани учун 18 миллиард евролик жарима тўлашга мажбур бўлди.
- Кеча Нигериядаги черковга жангариларнинг ҳужуми оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, ярадорлар ҳам бор.
- Мексиканинг Альтамир шаҳридаги қамқоқхонада рўй берган тартибсизлик натижасида 31 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмган, 13 нафари тан жароҳати олган. Маълумотларга кўра, қамқоқхонада икки жиноий гуруҳ аъзоларининг ўзаро жанжалидан бошланган тартибсизлик оммавий муштлашувга айланиб кетган. Уларни тинчлантиришга аскарлар ва денгиз пиеда қўшинлари жалб этилган.

Янги йил шукуҳи



ФАРЗАНДИМ — ДИЛБАНДИМ

Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтига эътиборни кучайтириб, олиб борилаётган ишлар сифатини кўтариш, оилаларда ахиллик билан баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказишда маҳалланинг мавқенини кўтариш ва шу асосда мамлакатимизда оила барқарорлигини таъминлаш каби улкан вазибаларга қаратилган.



Маҳалланинг ахиллик, меҳр-муруват ва миллий қадриятлар маскани дейлиши бежиз эмас. Сабаби, маҳалладаги ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша ва маъракаларни бамаслаҳат ўтказиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар ривожланган ёшлар орасида улкан тарбиявий вазифини бажаради. Олим Хўжаев маҳалла фуқаролари йиғини 2001 йилдан бери мунтазам равишда Янги йил бошланишида маҳалла болалари учун маънавий-тарбиявий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бундан асосий мақсад болалар ёшларига мос ёд олган шеърларни ўқиб берадилар, ўйнайдилар, спорт билан шуғулланаётганлар ҳам ўрганганларини кўрсатадилар. «Ахил болалар — маҳалла кўрки» мавзусидаги маънавий-тарбиявий тадбирни Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги Олим Хўжаев маҳалласи билан ҳамкорликда ўтказди. Маҳаллада бундай тадбирларнинг ташкил этилиши кўп қаватли уйлارда яшайдиган болалар билан маҳалла болаларининг танишуви оқибатида ўзаро дўстлик ва ахилликка асос бўлади, — деб таъкидлади туман ҳокими ўринбосари Сурайё Пулатова. — Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи та-

мойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан қириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалаларида соғлом ижтимоий муҳит маскани ҳисобланган маҳалланинг ўрни ўзига ҳосидир. Бунинг сабаби маҳаллаларда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри, маҳалла аҳлининг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларнинг адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб турилишидир. Мақсур тадбирни ташкил этишда маҳалла ҳудудидаги фирмалар — «Иброҳим Маъруф»дан Маъруф Абидов, «Барака мебель»дан Шухрат Шарипов, «Барака сервис»дан Ҳасан Ҳамидовларнинг ҳомийлик қилганлари нур устига аъло нур бўлди. Тадбирда Қорбобо ва Қорқиз ҳамда маҳалла болаларининг янги йил, она Ватан ҳақидаги шеър ва қўшиқлари иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Кеча сўнггида Олим Хўжаев маҳалла фуқаролари йиғинининг раиси Ҳабибулла Тожиев, раис маслаҳатчиларидан Абдурашид Наҳмиддинов, Акмал Ақромов, Феруза Аҳмедова, Мавлуда Сулаймонова маҳалла болалари ва ёшларига янги йил совғаларини топширдилар. Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Спорт янгиликлари

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Янги йилнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» жамоаси футболчилари янги мавсумга тайёрларлик кўриш мақсадида ўқув-йиғин машғулотларини бошлаб юборишди.

Кун кеча «Чигатой» стадионида «Бунёдкор» аъзолари икки таркибга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишди. Жорий йилги мавсумда ҳам фақат чемпион бўлишни ҳамда Осиё чемпионлар лигаси турнирида муваффақиятли иштирок этишни ният қилган Миржалол Қосимов шогирдларининг ўзаро баҳси қизиқарли кечди. Уларнинг ҳаракатлари киши таътилда ҳам спорт формасини йўқотмасликка интилганликларини исботлади. Дарвоқе, жамоа таркибидан янги номзодлар ҳам синовдан ўтаётганлигини таъкидлаш жоиз. Мурасасиз кечган баҳсда Камолиддин Мурзоев томондан киритилган ягона гол учрашув тақдирини ҳал қилди.

ҲАКАМЛАРИМИЗ МАЛАЙЗИЯГА БОРИШАДИ

Осиё футбол конфедерацияси томонидан ҳакамлар, назоратчилар, йўриқчилар учун 2012 йилда уюштирилаётган семинарлар тақвими эълон қилинди.

Унга кўра мамлакатимизнинг тўрт нафар ҳаками — Равшан Эратов, Валентин Коваленко, Владислав Цейтлин ва Виктор Серазетдинов 15-19 январь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтаётган семинарда иштирок этишади. Футзал бўйича ФИФА ҳаками Шухрат Пулатов эса

4-6 февраль кунлари Малайзияда ташкил этилаётган семинарга таклиф этилди. Шунингдек, ОФК йўриқчиси Фарход Абдуллаев назоратчилар ва йўриқчилар семинарида иштирок этаётган бўлди. Ушбу анжуман Малайзияда 2-10 февраль кунлари ташкил этилади. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МОТ ҚИЛДИ

Ҳиндистонда давом этаётган «Chennai Open - 2012» халқаро турнирида дунёнинг ўн беш мамлакатидан келган уч юз нафарга яқин шахматчи голиблик учун куч синашмоқда.

Швейцария усулида ўн бир турдан иборат нуфузли мусобақада юртимиз шарафини гроссмейстер Марат Жумаев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов ҳимоя қилмоқда. М.Жумаев дастлабки икки учрашувда мезбон шахматчилар — Каран Аржун ва Саху Викрамадитияни мот қилди. Ж.Воҳидов эса дастлабки турда швейцариялик Давид Грюнгерни қора доналарда мот қилган бўлса, иккинчи учрашувда ҳиндистонлик Чаит Ханя устидан зафар қучди. Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Қовоқ... У кўзимизга оддий бўлиб кўринса-да, унинг шифобахш хусусиятларини кўпчилик билмас керак. Айримлар ушбу сабзавотдан тайёрланган таомларни овқат ҳисобламай, ҳақиқий овқатлар бу гўшти таомлар деб тушунишади. Бироқ, бобо, молларимизнинг омборхоналарининг ярми қовоқ бўлгани ҳамон хотирамда.

Шифобахш неъматлар ДАРМОНДОРЛАРГА БОЙ САБЗАВОТ

Қовоқ шарбати патир, тўқоч қулчаларнинг тўйимли ва шифобахшлиги инсон учун энг зарур бўлган, касалликнинг олдини олувчи, танани мустаҳкамловчи С витамини, бемор иштаҳасини очувчи В1 витамини, бардамлаштирувчи, кўз қувватини оширувчи, бош оғригини қолдирувчи В2 витамини, булардан ташқари никотин кислотаси, каротиноидлар, элатеринин, шунингдек, юракка дармон берувчи калий, суюқ тўқималарини мустаҳкамловчи — синининг олдини олувчи кальций,

магний, қонни кўпайтирувчи темир, мия фаолиятини яхшиловчи фосфор, унинг уруғи таркибида эса 50 фоиз шифобахш мой, 30 фоиз ўсимлик оксилли, қанд каби 20 га яқин микроэлементлар мавжуддир. Ушбу шифобахш неъматдан турли таомлар тайёрлаб, тановул қилиш ҳар хил касалликлардан асраш, уларнинг олдини олиш демакдир. Дарвоқе, қовоқнинг ойимқовоқ, картошкақовоқ, сапчақовоқ, японқовоқ каби ўндан зиёд турлардан қовоқли, қовоқгўштили сомса, мошқовоқ, ширхўрда (сутли), ширгуруч (сутли), мант, ўрама (қовоқли), гўшт-қовоқли ўрама, гўшт-қовоқли мант тайёрланса, айниқса, қовоқни бўлақларга бўлиб қасқонда пишириб, тановул қилинса 100 фоиз витаминлари сақланиб, шифобахшлиги янада ортади. Энг муҳими, кўзимизга оддий бўлиб кўринган мўъжизали қовоқ — узок умр кўришнинг ҳам муҳим воситаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим. Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларида ишга таклиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.

- Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тел.: 233-51-47 «Тошавтотранс» АК тел.: 234-90-36 «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ тел.: 248-05-56 «Интер-транс-сервис» ҚҚ ОАЖ тел.: 272-89-47, 272-68-52 «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ тел.: 290-70-17 «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ тел.: 263-38-80 «5-такси саройи» МЧЖ тел.: 280-60-54



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ Ростгўйлик энг улуг фазилатдир. Кишининг номуси бамисоли оппоқ сут — озгина гард уни лойқатади. Ота-она газаби кучли. Ўлимга ҳийла йўқ. Яхшиликка албатта яхшилик қайтади. Хайрли иш яхши. Сабр қилиб, шошмаган киши орзу-сига етади. Сабр — хурсандликнинг калити. Ҳафалик кишини беморлик тўшагига етказилади. Қайтарилмас икки нарса бор, Йиғи билан тузалмас, зинҳор, Бери севган ёринг ҳижрони, Бери ёшлик — умрингга баҳор. Севгига мубтало бўлган киши чидамли бўлиши лозим. Бировдан нарса сўраш қанчалик оғир. Ҳар кимса ҳар хилдирки, турли таъби бор. Даво учун ширин нарса еган кишига у аччиқ туюлади. Ҳадя ҳадя қилувчига яраша бўлади. Мевасиз — тинч, мевали шохлар томон тош отилур. Марварид сув остида, устида оққай хор-ҳас. Бировларга бир ҳам бермай, бировларга юз бериб, Бировларга насиб қилар бировнинг бор-будиди. Ким хато этса, надомат қилса-ю юз чекса оҳ, Не учун унга жазо даркор ўлур, бўлмай паноҳ?... Кейинги пушаймон, ўзинга душман. Ишқнинг маъносини чин ишқ аҳлидан сўра! Саломнинг қадрли бўлмаса, ўтирган тик турган билан ҳам саломлашаверади. Ўтгани қайтариб бўлмас, ўлгани тирилтириб. Яхшилик кўрмоқчи бўлсанг: кўр савоҳат аҳлидан, Бесаховатлар ишини Тангри ҳам норзор этар! Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган (Давоми бор)

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 7 январь кунини ҳаво ўзағариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра 7 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.